



«Кўкалдош» мадрасаси Тошкент шаҳридаги тарихий обидалардан бири саналади. Мухаммад Солих Қорахўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» китобида «Кўкалдош» мадрасасини Дарвешхон қурдирганини ёзади ва шу китобининг баъзи жойларида мадрасани Дарвешхон мадрасаси деб ҳам атади. Мадраса 1551-1575 йиллар орасида қуриб ишга туширилган. Бунга далил сифатида тарихчилар 1569-1570 йилларда ёзилган вақфномани келтирадилар. Унга кўра, Тошкент ҳокими Султон Дарвешхон бир қарвонсаройни мадрасага вақф қилиб бергани айтилган.

«Кўкалдош» мадрасаси Чорсу майдонидаги Шахристон тепалигида Хўжа Аҳрор Валий жомеъ масжидининг ёнида анъанавий шарқ услубига риоя қилиб бунёд этилган. Унинг кенг ховлиси хужралар ва очик айвонлар билан ўралган. Хужралар сони 38 та бўлиб, дастлаб қурилганда мадраса уч қаватдан иборат бўлган. Бош фасад жанубга қараган, дарвозадан қираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхона жойлашган. Масжид ва дарсхонанинг усти ўзаро қесишган равоклар устига ўрнатилган кўш ички ва ташқи гумбазлардан иборат бўлган. Пешток сиркор парчин ва жилва нақшлар билан безатилган. XVIII асрга келиб қаровсиз қолган мадраса қарвонсарой сифатида қайта қурилган. 1830-1831 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг даврида дарсхона ва масжид ўнгидаги нураб тўкила бошлаган зангори гумбазлари ва иккинчи қаватнинг гиштлари қўчириб олиниб, ҳозирги кунда бузилиб кетган Бегларбеги мадрасаси (бозорнинг юқори қисмида)нинг қурилишида ишлатилган.

1866-1886 йилларда рўй берган зилзила натижасида мадраса пештоқининг юқори қисми қулаб тушади ва мадраса вайронага айланади.

1902-1903 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг хайрия маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилади. Маблаг етишмаслиги сабабли таъмирлаш ишлари тўхтаб қолиб, ёдгорлик ўзининг аввалги ҳолатига қайтарилмади.

Кўкалдош мадрасаси ва унинг ёнидаги Хўжа Аҳрор Валий жомеъ масжиди 1865 йилда Генерал Черняев бошчилигидаги Тошкентни забт этишда қаттиқ шикастланди.

1886 йили рус муҳандислари томонидан хонақолар ва жомеъ масжид қайта таъмирланиш натижасида ўзининг дастлабки меъморий қўринишини тамоман йўқотди. Вақт ўтиши билан ўзаро урушлар, қучли зилзилалар, биноларнинг турли мақсадларда қайта қурилиши, бир неча бор қайта таъмир қилиниши ва қайта тикланиши мадрасанинг дастлабки хақиқий гўзаллигини, мухташамлигини аста-секин йўқотиб борган.

Айниқса, XVIII асрнинг бошларида мадраса ташландик ҳолатга келиб қолган. Шу асрнинг охирида эса, қарвонсарой мақсадида қайта қурилган. Коммунистик мафқуранинг ҳукмронлиги даврида мадраса биноси умуман қаровсиз қолиб кетган: хоналар оғирлашган, ётоқхона, ҳар хил устахоналар сифатида қайта қурилган.

Табиий емирилиш даражасида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмади. Давлат

томонидан олиб борилган таъмирлаш ишларидаги суистеъмолчилик ва масъулиятсизлик мадрасанинг янада аянчли холатга тушишига олиб келди. 1974 йилда қабул қилинган мадрасани қайта тиклаш тўғрисидаги лойиҳалар лоқайдлик сабабли сурункасига бажарилмай келди.

Маданият вазирлигининг маълумотиға кўра 1985 йилдан 1991 йилгача таъмирлашға сарф қилинган маблаг 347.2 минг сўмни ташкил этган.

Мустақиллик даврида мадрасанинг шарқий томонидаги жомеъ масжид ёнидан ўтган ичимлик суви қувурининг ёрилиши натижасида мадрасани икки марта сув босиб, жанубий қисми захлаб, шўрланиб кетди. Ушбу деворлар остида пойдевор бўлмаганлиги сабабли 2002 йилда қайтадан гишталари алмаштирилиб, янги пойдевор қўйилди.

«Кўкалдош» мадрасаси собик СССР Министрлар Советининг 1990 йил 29 декабрдаги №4372 сонли қарорига асосан, 1991 йил 3 июнда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний идораси (ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси) тасарруфига топширилди. Шу вақтдан бошлаб мадрасанинг умумий таъмирланиши учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Илк бор мустақиллик даврида марҳум Эркин Саидахмедов мадраса учун ўз маблаглари билан фаол иштирок этиб, кенг кўламда таъмирлаш ишларини бошлаб берди. Сўнгра бу хайрли ишни марҳум Наим ота Жўраев давом эттириб, кўзга кўринарли даражаға етказди. Наим ота даврида мадрасанинг шимолий ва жанубий пештоғи, ички ва ташқи томонлари дастлабки холатиға келтирилди.

Абдурасул Худойберганоғ даврида мадрасанинг гарбий қисмидаги хонақоларнинг барчаси ҳамда бино ташқарисининг шимолий-гарбидаги таҳоратхона бузилиб, лойиҳада кўрсатилганидек бинонинг биринчи қавати пойдевор асосида қайтадан бунёд этилди. Сўнгра 1954 йилдан бери таъмирланмаган эшик деразалар қайта таъмирдан чиқарилди. Мадрасанинг шарқий қисмидаги биноларнинг иккинчи қавати тикланиб, усти ёпилди.

1996 йилгача бажарилган тиклаш ва таъмирлаш ишлари асосан, халқнинг хайр-эхсонлари ҳисобига бажарилган. 1996 йилдан бошлаб таъмирлаш ишлари шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳари таъмири учун ажратган қурилиш ашёлари ҳисобидан берган ёрдами ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва мадрасаға тушган хайр-эхсонлар орқали амалға оширилган.

Мустақиллик давридаги таъмирлаш ишларида Бухоролик Аҳрор Аскароров ва Маданият вазирлиги ёдгорликларни сақлаш институти муҳандиси, «Кўкалдош» мадрасаси қурилиш лойиҳаси муаллифи ва таъмиркор уста Миробид Мирзоаҳмедов қабилар қатта хизмат қилдилар.

Мазкур кўхна билим даргоҳида қўлаб олиму фузалолар дарс берганлар, таҳсил олганлар. XVI асрда Тошкентда ишлаб турган Хожа Аҳрор жомеъи, Барокхон ва «Кўкалдош» мадрасаларида ўз замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Қуртий, Хожа Юсуф Қошгарийлар дарс берганлар. Ўзбек мумтоз шеъриятининг вақилларидан шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳар гал Тошкентға келган вақтларида (1880-1890) «Кўкалдош» мадрасасида истиқомат қилган. 1889-1891 йиллар мобайнида шаҳримизда яшаган машҳур шоир Зоқиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам ушбу мадрасада истиқомат қилиб, таълим олган ва ижод билан шугулланган. Шунингдек Хамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам 1910-1911 йилларда мадраса хужраларидан

бирида истикфомат килган. Ўзбек орифона шеъриятнинг улкан намоёндаси – шоир Хазиний ҳам Тошкентга келган пайтларида албатта «Кўкалдош» мадрасасида тўхтаб, мударрис ва талабалар билан кўплаб ажойиб суҳбатлар қурган. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек шеъриятининг таникли вакиллари: Мулло Кўшок Мисний, Сайид Хайбатулло Хўжа Хислат, Сирожиддин Сидкий Хондаликийлар ҳам Кўкалдош мадрасасида тахсил олганлар. Машхур уламоларимиздан Сайид Махмуд Тарозий, Олтинхон Тўра, Юнус Максудий ва Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон хазратлари ҳам XX аср бошларида тахсил олиб, илм пиллапояларида юксалиб боришган.

Мадрасада Ислом дини конун-қоидалари, араб ва форс тили грамматикаси, адабиёт, одоб-ахлоқ, математика, геометрия, астрономия каби фанлар ўқитилган. дарслар араб ва форс тилларидаги китоблар бўйича ўқитилган. Мадрасани битириб чиққан илм ахллари араб, форс ва туркий тилларни мукамал ўрганганлар, юзлаб газаллар, минглаб байтларни ёддан билганлар, мадраса хужраларида ётиб қуръони қаримни ёд олганлар.

Баъзи маълумотларда келтирилишича ҳадис илмининг юртимизда яна қайта жонланишига туртки бўлган уламоларимиз орасида Шомий домла деб шуҳрат топган – Суриялик атоқли илоҳиёт олими Шайх Муҳаммад ибни Саид ибни Абдулвоҳид ал-Асалий аш-Шомий ат-Тараблусий хазратлари ҳам бир мунча муддат мадараса хужраларидан бирида истикомат қилиб, талабаларга дарс берган.

Ушбу мадраса фаолият бошланганидан буён 1999 йилга қадар «Кўкалдош мадраса масжиди» деб номланган. 1999 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан янги Низом тасдиқланиб, 1999 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида расмий рўйхатдан ўтгандан сўнг «Кўкалдош Тошкент ислом ўрта махсус билим юрти» деб номланди.

Билим юрти 1999 йил 10 октябрда махсус руҳсатнома олиб, 1 ноябрдан расмий фаолият кўрсата бошлади.

Мустабид тузум асорати таназзулга юз тутган бу анъана буюк истиклол берган эркинлик туфайли ва халқимизнинг миллий диний кадриятларга чексиз садокати натижасида аста-секинлик билан қайта жонлана бошлади. Бу жонланиш Кўкалдош мадрасасида қайта очилган ўрта махсус ислом билим юрти тимсолида яққол кўринади.

Билим юртида Қуръон, ҳадис, сарф, нахв, мутолаа каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, табиат, жугрофия, ингиллиз тили, физика, математика, астрономия, информатика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади, бу ишга малакали мутахассислар жалб этилган.

Элимизнинг юздан ортик диний илмга мушток фарзандларини ўз кучогига олган «Кўкалдош» Тошкент ислом ўрта махсус билим юртининг олдидаги вазифалари аниқ ва равшан. Яъни, Ватанимиздаги барча ўқув муассасалари катори иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, аждодларимизнинг нодир маънавий меросларини чуқур ўрганган ва замонавий тафаккурга эга комил инсонлар тарбиялаш, халқимизнинг ихлосидан ҳамда маънавий жаҳада бўшлиқ пайдо бўлганидан фойдаланиб, ислом никоби остида ўзларининг гаразли мақсадларини амалга оширишга уринаётган кимсаларга қарши ўларок ҳамюртларимизнинг диний саводхонлигини ошириш ва шу йўлда хизмат қилувчи замонавий етук уламолар тайёрлашдир. муҳим вазифаларимиздан яна бири - бу кўхна бинода замон талабларига жавоб берадиган энг яхши ўқув жихозлари билан

жихозланган, янги типдаги ислом билим юртини барпо қилишни поёнига етказиш. Бу вазифани амалга оширишда билим юртининг фидойи мураббийлари, мударрислари ва барча жамоа бор имкониятларини ишга солиб тинмай ҳаракат қилмоқдалар ва доимо ижодий изланишдадирлар.

Муассис: Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Манзили: Тошкент шаҳар, Заркайнар 103.
Телефон: 40 39 33, 40 17 98.

Фаолият бошлаган йили: 1999 йил 10 октябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар бўйича кўмитанинг № 12-сонли рухсатномаси асосида фаолият бошлаган.

Гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 18 августда №17 рақамли Гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

Махсус рухсатнома: 2004 йилда қайта рўйхатдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар бўйича кўмита томонидан 2004 йил 24 октябрда № 0000002 сонли махсус рухсатнома олиб, шу асосида фаолиятини давом эттирмоқда.

Билим юрти 200 ўринли.

Мутахассислик: Диншунослик, араб тили ва одобнома мураббийси.

Манзили: Тошкент 700021, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 46-уй.